

# **Давлатимиз раҳбарининг халқ таълими тизимини 2030-йилгача ривожлантириш консепсиясида мактабларни баҳолаш мезонларига мувофиқ “Замонавий мактаблар”га айлантириш вазифаси қўйилган.**



Шунга асосан Қумқўрғон туманида ҳам “Замонавий мактаб” талаблари асосида лойиҳалари ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунда қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, тумандаги Қорсоқли маҳалласида жойлашган 5-сонли мактабга 840 ўринли, Мунчоқтепа маҳалласида жойлашган 21-мактабга 330 ўринли, Ўзбекистон 5 йиллиги маҳалласида жойлашган 38-мактабга 600 ўринли, Боғаро маҳалласида жойлашган 70-сонли мактабга 330 ўринли қўшимча бино қуриш ҳамда Жалоир ва Боболочин маҳалласидаги 9-13-сонли мактабларни капитал таъмиrlаш ишлари буюртмачи “Инфуратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” томонидан амалга оширилмоқда.

Албатта, амалга оширилаётган бу каби бунёдкорлик ишлари халқимиз фаровонлиги учун хизмат қиласи.